

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРТАЗАЕВ ИСАБЕК БАЗАРБАЕВИЧ**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.12-Минтақавий иқтисодиёт**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

УДК: 332.1:330.34 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Муртазаев Исабек Базарбаевич**

Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор

йўналишлари..... 3

**Муртазаев Исабек Базарбаевич**

Приоритетные направления развития экономики Навоийской

области..... 27

**Murtazaev Isabek Bazarbaevich**

Priority directions of economic development in Navoi region ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРТАЗАЕВ ИСАБЕК БАЗАРБАЕВИЧ**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.12-Минтақавий иқтисодиёт**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Iqt348 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Муродова Нодира Куллиевна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Эрмаматов Шоназар Жумакулович**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 09 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (71) 227-12-24, (71) 246-02-24, факс: (71) 246-90-80, e-mail: rektor@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 90 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (71) 227-12-24, (71) 246-02-24, факс: (71) 246-90-80, e-mail: rektor@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 да тарқатилди.  
(2021 йил «10» 09 даги 13 - рақамли реестр баённомаси).



**А.М. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қ.Қ. Мамбетжанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**А.В. Вахабов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган турғунлик шароитида Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги ривожланаётган иқтисодийётларда ўсиш давом этмоқда. “2020 йилда COVID-19 оқибатлари сабабли кузатилган 2 фоизлик иқтисодий пасайиш ортидан 2021 йилда мўътадил ўсиш прогноз қилиняпти. Бу йил минтақадаги ривожланаётган иқтисодийётларнинг 3,6 фоизга ўсиши кутилмоқда”<sup>1</sup>. Минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига уларнинг мавжуд табиий-ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги тармоғида ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, инновацион инфратузилма ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга самарали татбиқ этиш орқали эришилмоқда. Шу боис минтақалар иқтисодийётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш хорижий мамлакатлар тажрибасида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида мамлакатлар ўз минтақаларининг иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда манзилли ҳал этишга қаратилган кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий табақалашув даражасини камайтириш, минтақа иқтисодийёти ривожланишининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш услубини такомиллаштириш, рақамли технологиялар асосида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, технополис ва эркин иқтисодий зоналарда янги экспорт линияларини очиш ҳамда импортни ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, минтақа иқтисодийётини диверсификация қилиш орқали саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий таркибини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда барқарор ўсишни таъминлашда ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг «маҳалла - туман (шаҳар) - вилоят - республика» тамойилига асосланган янги тизими жорий қилинди. Мазкур тизим минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда, ҳудудни ривожлантириш бўйича манзилли амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу сабабли «...халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»<sup>2</sup> масалалари ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Мазкур ҳолатни эътиборга олган ҳолда республикада стратегик аҳамиятга эга бўлган Навоий вилояти иқтисодийётини мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан келиб

<sup>1</sup> World Bank group. Data, Digitalization, and Governance Europa and Central Azia Economic Update. Office of the Chief Economist Spring 2021. //C:/Users/User/Downloads/9781464816987.pdf

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // www.lex.uz.



чиққан ҳолда ривожлантириш, саноатни диверсификация қилиш ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувини чуқурлаштириш, табиий шароит ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари устувор вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 15 майдаги ПФ-5719-сон «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Минтақа иқтисодиёти тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари узоқ хориж олимлари А.Лёш, Т.Хегерstrand, М.Портер, У.Росси, Ф.Перру, П.Кругман, Р.Капелло, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари А.Г.Гранберг, Ю.А.Гаджиев, А.И.Леонтьев, Т.Ю.Морозова, Н.Н.Михеева, И.А.Родионова<sup>3</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган.

---

<sup>3</sup> Шупер В.А. Экономический ландшафт Августа Лёша // География. №21, -Искусство, 2006. -С 32-34. <https://geo.1sept.ru/article.php?ID=200602111>; Sverker Sörlin. Hägerstrand as historian: innovation, diffusion and the processual landscape. Landscape Research. Volume 45, 2020 -Issue 6. -P. 712-723. <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/01426397.2020.1790506>; Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е.Калининой. -М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2 изд. -2008). -720 с.; Rossi U. Growth poles and growth centers // International Encyclopedia of Human Geography. 2009. V. 4. -P. 651-656; Перру Ф. Экономическое пространство: теория и приложения // науч. журнал «Пространственная экономика». 2007. № 2. -С. 77-93; Кругман П. Пространство: последний рубеж // Пространственная экономика, 2005. №3. -С. 97-135; Roberta Capello & Andrea Caragliu “After Crisis Scenarios for CEECs: A simulation through the MASST3 model” ERSA conference papers ersa14p171, European Regional Science Association. 2014. <https://ideas.repec.org/p/wiw/wiwsa/ersa14p171.html>; Гранберг А.Г., Суслов В.И. Изучение пространственного развития экономики в системе межрегиональных межотраслевых взаимосвязей // Оптимизация территориальных систем // под ред. С.А. Суспицына; ИЭОПП СО РАН. -Новосибирск, 2010. -Введение, п. 4. -С. 29-38. [http://lib.ieie.su/docs/2010/Optimizaciya\\_territorialnyh\\_sistem\\_2010\\_1\\_Vvedenie.pdf](http://lib.ieie.su/docs/2010/Optimizaciya_territorialnyh_sistem_2010_1_Vvedenie.pdf); Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона №2. 2009. -С. 45-62. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnye-teorii-regionalnogo-ekonomicheskogo-rosta-i-razvitiya/viewer>; Леонтьев А.И., Новикова Н.В. Региональная проекция теории полюса роста: зарубежный и российский опыт // Теоретическая и прикладная экономика. -2020. №4. -С. 106-117. DOI: 10.25136/2409-8647.2020.4.34019 URL:[https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=34019](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=34019); Михеева Н.Н. Долгосрочные прогнозы регионального развития: анализ результатов и проблемы разработки // Проблемы прогнозирования. - 2018. №5. -С. 24-37;

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш, минтақаларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари М.А.Абдусаломов, Т.М.Аҳмедов, А.В.Вахабов, А.В.Маматкулов, Ш.Х.Назаров, А.Б.Низамов, Б.Р.Рўзметов, А.М.Содиқов, А.С.Солиев, Ф.Т.Эгамбердиев, А.Т.Юсупов, А.А.Қаюмов, А.М.Қодиров, Х.М.Сайдахмедов, С.С.Зокиров<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бирок, бажарилган илмий-тадқиқот ишларида Навоий вилояти иқтисодий ривожланишида саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ихтисослашувини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Мазкур тадқиқот иши юқорида қайд этиб ўтилган жиҳатларга асосий эътибор қаратилганлиги билан бошқа шу каби ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-1-101 «Глобаллашув шароитида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлиги ўсишига методологик ёндашувлар» мавзусидаги (2018-2020 йй.) фундаментал илмий тадқиқот гранти доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Навоий вилояти иқтисодиёти тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

минтақалар иқтисодий ривожланишининг замонавий назарияларини таҳлил этиш ва тизимлаштириш;

---

Морозова Т.Ю. Институциональная среда антикризисного управления: уроки глобального кризиса // Наука. №2. 2011. -С. 92-101. <https://cyberleninka.ru/article/n/institutsionalnaya-sreda-antikrizisnogo-upravleniya-uroki-globalnogo-krizisa/viewer>; Родионова И.А. Мировая промышленность: структурные сдвиги и тенденции развития (вторая половина XX - начало XXI вв.): монография. - М.: ГОУ ВПО МГУЛ, 2009. -231 с. <https://studfile.net/preview/6447943/>.

<sup>4</sup> Абдусаломов М.А. О целях и методологических основах региональной политики // Современные проблемы региональной экономики, материалы научно-методологического семинара. ТГЭУ. -Т.: 2015. -С. 6-11; Аҳмедов Т.М. Долгосрочная стратегия развития урбанизации в Узбекистане. // Стратегическое планирование - важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов. -Т.: IFMR, 2019. -С. 349-353. <https://ifmr.uz/files/pages/ru/416110.pdf?file=/files/pages/ru/416110.pdf>; Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х. Жаҳон амалиётлари инновацион ривожланиш тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг айрим жиҳатлари // Иқтисод ва молия. №11, 2016. -Б. 2-10; Mamatkulov A.V. The role of free economic zones in attracting foreign direct investment through small business and private entrepreneurship in Uzbekistan // “Economic development and liberalization issues of implementation the five priority areas of Uzbekistan’s development strategy”. Tashkent, 2018; Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. -Т.: 2016. -93 б.; Низамов А.Б. Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. -Т.: 2018. -45 с.; Рўзметов Б. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. Ташкент, Фан. 2002. -220 с.; Садыков А.М. Новая стратегия развития Узбекистана: формирование, приоритеты, реализация // Монография. Ташкент, “Узбекистан”, 2019. -511 с.; Солиев А.С., Курбанов Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг баъзи бир масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 47-жилд. -Т., 2016. -Б. 20-26; Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Т.: 2003. -35 с.; Юсупов А.Т. Развитие и размещение производства товаров народного потребления региона: на материалах промышленности Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Т.: 1991. -38 с.; Қаюмов А.А., Усманов З.К. Янги ипак йўли иқтисодий коридорини шакллантиришида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 49-жилд. -Т., 2017. -Б. 69-72.

тоғ-кон саноати негизида вужудга келган шахарларнинг минтақа иқтисодиётига таъсирини таҳлил этиш;

Навоий вилоятининг иқтисодий ривожланиш ҳолати, динамикаси ва миллий иқтисодиётдаги улушини баҳолаш;

минтақа саноати ривожланишида табиий-ресурс омилининг тутган ўрнини очиб бериш ва баҳолаш;

вилоят иқтисодий ривожланишини SWOT таҳлил қилиш;

минтақада саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ихтисослашуви, уларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Навоий вилоятининг ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланишини прогноз қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий вилояти саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** минтақа саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий-статистик, SWOT таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

минтақа саноатининг янада самарали ривожланишини фойдаланишга жалб этилмаган Азлар-Тол, Гулкон, Жанубий Мачитсой, Лангар, Тасқудук, Янгикудук сингари конларни ишга тушириш эвазига қурилиш материаллари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарини ташкил этиш орқали таъминлаш асосланган;

Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида ер ости сув захираларидан оқилона фойдаланиш орқали чорва моллари бош сонини кўпайтириш, юқори қўшилган қиймат ва солиқ тушумлари ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш асосланган;

минтақанинг қишлоқ хўжалиги ҳудудий ихтисослашуви фойдаланилмаётган экин майдонлари, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси ва аҳоли малакаси каби омиллар орқали такомиллаштирилган;

Навоий вилояти иқтисодиёти таркибини мавжуд минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган 2030 йилгача мўлжалланган кўп омилли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вилоят иқтисодиётининг ҳудудий жиҳатлари аниқланган ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ривожланиш тенденциялари баҳоланган;

Навоий вилоятининг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган;

Навоий вилоятининг саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ихтисослашуви ҳамда ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг асосий



муаммолари аниқланган, уларнинг ечимига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар берилган;

минтақада иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортда қолаётган туманларни мавжуд табиий-ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

Навоий вилояти ЯХМнинг ўсиш суръатлари билан саноат, қишлоқ хўжалиги, инвестиция ва бандлик ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда, эконометрик моделлаштириш асосида ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Навоий вилояти статистика бошқармаси расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланишлар давомида олинган ва илгари сурилган назарий ҳамда услубий ёндашувлардан муаммога оид илмий тадқиқотларнинг методологик асосларини ҳамда илмий апаратини такомиллаштириш, минтақани мақсадли ривожлантириш дастурлари ва устувор йўналишларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосида олинган хулоса ва тавсиялардан Навоий вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ихтисослашувини такомиллаштириш, иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий таълим тизимида тегишли йўналишларда, “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Иқтисодий география ва экология” фанлари бўйича ўқув материалларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Навоий вилоятида саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосида:

минтақа саноатининг янада самарали ривожланишини фойдаланишга жалб этилмаган Азлар-Тол, Гулкон, Жанубий Мачитсой, Лангар, Тасқудук, Янгикудук сингари конларни ишга тушириш эвазига қурилиш материаллари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарини ташкил этиш орқали таъминлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан минтақа саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида янада чуқур қайта ишлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 02/22-01-

10/10-1072-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида Навоий вилоятида ишлаб чиқаришга жалб этилмаган конлардан фойдаланиш имкониятлари ва шу асосда истикболда қурилиш материаллари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришилган;

Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида ер ости сув захираларидан оқилона фойдаланиш орқали чорва моллари бош сонини кўпайтириш, юқори қўшилган қиймат ва солиқ тушумлари ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида минтақа чўл ҳудудларида ер ости сув захираларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 02/22-01-10/10-1072-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Навоий вилояти Томди ва Учқудуқ туманларидаги чўл яйловларида ер ости сув захираларидан фойдаланган ҳолда қудуқлар барпо этилиши эвазига чорва моллари бош сонини сезиларли даражада кўпайтиришга эришилади;

минтақанинг қишлоқ хўжалиги ҳудудий ихтисослашуви фойдаланилмаётган экин майдонлари, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси ва аҳоли малакаси каби омиллар орқали такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тармоқни янада ривожлантириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 05/011-1661-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида Навоий вилояти туманлари қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг жорий ҳолати баҳоланиб, истикболда уни янада такомиллаштириш имкониятига эришилади;

Навоий вилояти иқтисодиёт таркибини мавжуд минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган 2030 йилгача мўлжалланган кўп омилли прогноз натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш омиллари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мўлжалларининг аниқлигини таъминлаш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 02/22-01-10/10-1072-сон маълумотномаси). Прогноз натижаларидан вилоят иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 2 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минтақалар иқтисодий ривожланишининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида минтақалар иқтисодий тараққиётининг назарий асослари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланишининг илмий ва услубий масалаларига эътибор қаратилган.

Маълумки, минтақалар иқтисодий ривожланишининг амалий жиҳатларини ўрганишда минтақавий назарияларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар тадқиқотлар учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади. Минтақавий ривожланишнинг назарий масалалари шаклланишида немис олимлари “жойлаштириш назарияси”<sup>5</sup>ни яратишган бўлса, XX асрнинг биринчи ярмида ушбу назарияни Швеция илмий мактаби вакилларидан Т.Палландер ва Г.Мюрдальлар<sup>6</sup> такомиллаштиришди. АҚШда Х.Хоттелинг, Р.Вернон, М.Стоплер, Р.Уолкерлар ҳам “жойлаштириш назарияси”ни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. “Минтақавий ўсиш назарияси” бўйича Ж.Фридман, Э.Таафелар тадқиқотлар олиб борган. Шунингдек, Буюк Британиялик олимлар А.Смит, Х.Ричардсон, С.Деннисон, Э.Робинсон, Г.Камеронлар ҳам минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий жиҳатлари бўйича қатор тадқиқотлар олиб бордилар.

Маълумки, минтақалар ривожланишининг назарий-методологик асослари шаклланишида мутлоқ ва қиёсий афзалликлар, саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги штандорти назариялари муҳим аҳамият касб этди. Ихтисослашув ва халқаро савдо билан билан боғлиқ назарий ишланмалар эса, илк марта инглиз сиёсий иқтисодининг классик намоёндалари А.Смит ва Д.Рикардо, шунингдек,

<sup>5</sup> Avram L.G., Braga V.F. Theories regarding the role of the growth poles in the European Economic integration [Электронный ресурс] // Journal of Economic Development, Environment and People. Volume 6, Issue 2, 2017. <https://core.ac.uk/download/pdf/192898392.pdf>

<sup>6</sup> Гусейнов А.Г. Основные направления развития и подходы в теории региональной экономики в развитых западных странах // Фундаментальные исследования. -2014. -№ 8-1. -С. 124-132. <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=34521>

Э.Хекшер ва Б.Олин<sup>7</sup>нинг мутлақ ҳамда нисбий афзалликлар назарияларида батафсил ёритиб берилган. Минтақаларда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига доир назарияларнинг шаклланишида Й.Тюнен<sup>8</sup>, кейинчалик Ж.Д.Блэк томонидан илгари сурилган ғоя муҳим бўлиб, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва чорва молларини боқишнинг қиёсий афзаллиги тамойилига мос ҳолда жойлаштириш ғоясини тадбиқ этди.

Минтақаларда саноатни жойлаштиришга оид дастлабки назариялар бозор муносабатлари даврида яратилган бўлсада, уларда жойлаштириш омиллари (штандортлари) шартли кўрилгани боис, жаҳоннинг айрим мамлакатларида, масалан, собиқ Иттифоқ олимлари томонидан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асоси сифатида ривожлантирилган. Мамлакат минтақалари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича П.Н.Степанов, А.Д.Брейтерман, А.Т.Хрущев, Н.В.Алисов, М.И.Козлов, Н.Н.Опацкий, М.П.Паламарчук<sup>9</sup>, саноат тармоқлари жойлашишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ҳудудий ташкил этиш масалалари бўйича А.Е.Пробст, саноатнинг район ҳосил қилиш кучи, саноат мажмуалари ва энергия ишлаб чиқариш цикллари бўйича Н.Н.Колосовский тадқиқотлар олиб боришган. Реал бозор шароитида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва жойлаштиришга оид ҳудудий кластерлар ғояси ҳозирги замон хориж иқтисодчи олимлари М.Портер, Е.Бергманлар томонидан илгари сурилган<sup>10</sup> (1-расм).



**1-расм. Минтақалар ривожланишига оид асосий назариялар<sup>11</sup>**

<sup>7</sup> Шумпетер Й.А. История экономического анализа: В 3-х т. / Пер. с англ, под ред. В.С.Автономова. -СПб.: Экономическая школа, 2004. -Т. 2. -496 с.; Хекшер Э. Влияние внешней торговли на распределение дохода. The Effect of Foreign Trade on the Distribution of Income // Вехи экономической мысли. Т.6. Международная экономика / Под ред. А.П.Киреева. -М.: ТЕИС, 2006. -С. 154-173.; Блауг М. 100 великих экономистов после Кейнса // СПб.: Экономикс. -2009. -С. 222-224. -ISBN 978-5-903816-03-3.

<sup>8</sup> Горбунов В.С. Использование модели Й. фон Тюнена в современной региональной экономике. Московский экономический журнал. -М.: 2/2017. <https://qje.su/otraslevaya-i-egionalnaya-konomika/moskovskij-ekonomicheskij-zhurnal-2-2017>.

<sup>9</sup> Болдырева Н.П. Сущность эффективности развития промышленных предприятий в рыночных условиях и её основные виды. Интернет журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, № 6. <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-effektivnosti-razvitiya-promyshlennyh-predpriyatij-v-rynochnyh-usloviyah-i-ee-osnovnye-vidy/viewer>

<sup>10</sup> Салиев А.С., Янчук С.Л. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Республики Узбекистан. -Т.: Университет, 2005. -173 с.

<sup>11</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тизимлаштирилди.

Минтақавий иқтисодиётнинг замонавий назариялари ва илмий концепциялари орасида Дж.Харрис, А.Пред, П.Кругман, М.Фуджит, Т.Мори, Э.Венаблес, П.Ромера, А.Гильберт<sup>12</sup> сингари олимлар томонидан ишлаб чиқилган назариялар айнан бугунги кунда минтақалар ривожланиши билан боғлиқ муаммоларнинг ечими билан чамбарчас боғлиқ.

Диссертация ишининг «**Навоий вилоятининг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида вилоятнинг тутган ўрни ва минтақа ривожланишининг иқтисодий жиҳатлари ёритилган.

Таҳлиллар иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган устувор йўналишлар натижасида 2000-2020 йилларда вилоятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши бир меъёрда кечганлиги ва ЯҲМ кўрсаткичи динамикаси ўсиб бориш тенденциясига эга бўлганлигини кўрсатди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ва Навоий вилоятининг ялпи ички (ҳудудий) маҳсулоти кўрсаткичлари динамикаси<sup>13</sup>

Йил-лар	Ўзбекистон Республикаси			Навоий вилояти			
	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	Аҳоли жон бошига, минг сўм	ЯҲМ индекси
2000	3255,6	103,8	132,1	146,8	103,2	186,5	1,411
2005	15923,4	107,0	608,5	1099,4	102,2	1354,8	2,226
2010	74042,0	107,3	2592,3	4145,4	103,9	4807,4	1,854
2015	210183,1	107,4	6715,4	10207,9	103,9	11088,3	1,651
2016	242495,5	106,1	7614,2	11581,9	103,7	12383,0	1,626
2017	302536,8	104,5	9340,8	14232,2	101,3	14975,0	1,603
2018	406648,5	105,4	12339,1	22132,2	104,7	22786,2	1,846
2019	511838,1	105,6	15242,0	36052,8	105,2	37119,5	2,435
2020	580203,2	101,6	16 949,1	49015,1	107,1	48747,0	2,876

2020 йилда Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган ЯҲМнинг номинал қиймати 49015,1 млрд. сўмда баҳоланди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ишлаб чиқариш 48747,0 минг сўмга тенг бўлиб, бу жиҳатдан минтақалар орасида етакчилик қилади. Минтақада 2000-2020 йиллар оралиғида ЯҲМ индекси 1,411 дан 2,876 га, яъни 1,465 га кўтарилди. 2020 йилда Навоий вилоятига мамлакат ЯИМнинг 8,4 фоизи тўғри келади. Ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2006-2007 йилларда бироз кўтарилган бўлсада, бироқ 2008-2018 йиллар оралиғида деярли ўзгаришсиз қолди.

<sup>12</sup> Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития // Экономика региона. №2. 2009. -С. 45-62. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnye-teorii-regionalnogo-ekonomicheskogo-rosta-i-gazvitiya/viewer>.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик йилномаси 2000-2020 йй. ҳамда Навоий вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти (<https://www.navstat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2000-2020 йиллар орасида вилоят ЯХМнинг тармоқ таркибида сифат жиҳатдан ижобий силжишлар руй бериб, саноатнинг ундаги улуши доимий равишда ўсиб борди. Хусусан, ЯХМ ишлаб чиқаришда саноатнинг улуши 2000 йилда 36 фоизни ташкил этган бўлса, у 2010 йилга келиб 51 фоизга, 2020 йилда эса 71 фоизга ўсган (2-расм).




**2-расм. Навоий вилоятида ЯХМ тармоқ таркибининг ўзгариши<sup>14</sup> (фоизда)**

Тадқиқотлар вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 2000 йилдан 2005 йилгача пасайганлиги, 2005-2010 йилларда эса, амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида унинг барқарор ўсиш суръати таъминланганлигини ва бунинг натижасида вилоятнинг аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлганлигини кўрсатди.

2020 йилда вилоятнинг мамлакат экспорт салоҳиятидаги улуши 2020 йилда 2,8 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 6,8 фоизга, 2005 йилда 6,3 фоизга тенг бўлган. Бу ҳолатни жаҳон бозорида конъюктуранинг кескин ўзгариши, нархларнинг тушиб кетиши ҳамда охириги йилдаги пандемия оқибатлари билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, модернизация ва диверсификациялаш бўйича тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши вилоятда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 2020 йилда 3,2 фоизга ўсишини таъминлади. Натижада тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 4,6 фоизга тенг бўлди. (3-расм).

<sup>14</sup> <https://www.navstat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2> - Навоий вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.





**3-расм. Навоий вилоятининг республика иқтисодиётидаги ўрни (фоизда)<sup>15</sup>**

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг 64,3 фоизи чорвачиликка, 35,7 фоизи эса, деҳқончиликка тўғри келади. Вилоятда 2020 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 11835,4 минг сўми (республика бўйича 7677,5 минг сўм) ташкил этган ҳолда туманлар кесимида бир-биридан кескин фарқ қилади. Энг юқори кўрсаткич Хатирчи (18176,0 минг сўм) туманида, энг паст кўрсаткич Учқудуқ туманида (6583,4 минг сўм) кузатилган. Улар ўртасидаги фарқ деярли 3 мартага тенг. Вилоятда 2020 йилда республика бўйича жами тирик вазндаги гўштнинг 6,5 фоизи, сутнинг 4,4 фоизи, тухумнинг эса 4,4 фоизи етиштирилган. Вилоятнинг чўл зоналари қоракўлчиликка ихтисослашганлиги боис республикада тайёрланаётган қоракўл терининг 24 фоиздан ортиғини беради ва Бухоро вилоятдан кейинги ўринда туради<sup>16</sup>.

Ушбу тадқиқот ишида муаллиф томонидан минтақа иқтисодиёти ҳолатини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида вилоят ҳудудини икки кичик иқтисодий районга ажратган ҳолда таҳлил қилинди<sup>17</sup> (2-жадвал). Мазкур кичик иқтисодий районларга ажратишда қуйидаги омиллар асосий мезон сифатида олинди. Бунда, вилоят ҳудуднинг яхлитлиги, жойлашган ўрни, хўжалигининг ихтисослашуви, табиий шароити ва ресурслари, жойнинг тарихий ривожланишига асосий эътибор қаратилди.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти (<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>16</sup> [https://www.navstat.uz/images/Nashrlar/Press-relizlar/2021/Qishloq\\_xojaligi\\_statistikasi/yanvar-iyun-uz.pdf](https://www.navstat.uz/images/Nashrlar/Press-relizlar/2021/Qishloq_xojaligi_statistikasi/yanvar-iyun-uz.pdf) - Навоий вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти.

<sup>17</sup> Бунда г.ф.д., проф. А.С.Солиев томонидан минтақани районлаштириш бўйича илмий ишланмаларидан фойдаланилди ва улар такомиллаштирилди (Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Дарслик, -Т.: “Университет”, 2014. -387 б.).

**Минтақа иқтисодий кўрсаткичлари<sup>18</sup>**  
(умумий кўрсаткичга нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар	Умумий ер майдони		Худуд аҳолиси		Саноат маҳсулотлари		Экин майдони		Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	
Вилоят бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<b>Жанубий кичик иқтисодий район</b>										
Навоий ш.	0,04	11,4	14,5	82,8	84,5	99,0	0,005	95,4	0,7	89,6
Ғозғон ш.	-		0,7		-		-			
Кармана	0,9		12,6		10,7		14,3			
Қизилтепа	2,0		15,2		1,7		20,1			
Навбахор	1,4		11,3		0,8		17,0			
Нурота	5,9		8,5		0,4		17,4			
Хатирчи	1,3		19,9		0,9		26,7			
<b>Шимолий кичик иқтисодий район</b>										
Конимех	8,3	88,6	3,6	17,2	0,2	1,0	4,3	4,6	5,0	10,4
Томди	38,2		1,5		0,1		0,2			
Учкудук	42,0		3,7		0,2		0,1			
Зарафшон ш.	0,02		8,4		0,5		0,001			

Жанубий кичик иқтисодий район майдони бўйича унча катта бўлмасада, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви юқори. Вилоят саноат маҳсулотларининг 99 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам 90 фоизи ушбу район ҳиссасига тўғри келади.

Шимолий кичик иқтисодий район майдонининг катталиги, аҳоли сонининг сийраклиги билан ажралиб турсада, саноат маҳсулотларининг атиги 1 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 10,4 фоизи ишлаб чиқарилади.

Диссертациянинг «**Минтақани иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида минтақа иқтисодиётининг устувор жиҳатлари ҳамда иқтисодий ривожланишининг бир қатор йўналишлари тадқиқ этилган.

Навоий вилоятини иқтисодий ривожлантириш йўналишларини аниқлашда вилоятнинг SWOT таҳлилининг амалга ошириш уни бугунги давр талаби асосида барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга хизмат қилади (3-жадвал).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоятнинг кучли томонлари ва имкониятлари унинг заиф томонлари ва таҳдидларидан кўра кўпроқ бўлиб, бу унинг салоҳияти юқорилигини кўрсатади. Минтақада кўплаб захирадаги ресурслар ва имкониятлар, узоқ муддатли истиқболда хўжалик тармоқларини барқарор ривожлантириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Навоий вилояти статистика бошқармасининг 2020 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Навоий вилояти иқтисодий ривожланишининг SWOT таҳлили<sup>19</sup>

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>- янги турдаги минерал хомашё ресурслари конларининг очилиши;</li> <li>- ривожланган замонавий инфратузилма объектлари билан яхши таъминланганлиги;</li> <li>- кенг ҳудудли Қизилқум чўлининг мавжудлиги;</li> <li>- Навоий шаҳрида эркин иқтисодий зонанинг мавжудлиги;</li> <li>- Навоий халқаро интермодал логистика марказининг мавжудлиги ва ҳ.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мавжуд минерал хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларини катта харажатларни талаб қилиши;</li> <li>- чучук сув ресурслари билан яхши таъминламаганлиги;</li> <li>- баъзи бир минерал хомашё турларининг қайта ишлашга республиканинг узок ҳудудларидан олиб келиниши;</li> <li>- саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги алоқаларнинг заифлиги.</li> </ul>
Имкониятлар	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>- минтақада янги излаб топилган фойдали қазилма кон захираларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш эвазига тоғ-кон саноати хомашёси ишлаб чиқаришини чуқурроқ диверсификация қилган ҳолда тайёр маҳсулотга айлантириш имкониятларининг мавжудлиги;</li> <li>- Қизилқум чўлида яйлов чорвачилигини янада ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги;</li> <li>- минтақа ташқи имкониятларининг катталиги ва уни 2030 йилгача барқарор ҳолатда сақлаб туриш мумкинлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- баъзи бир минерал хомашё ресурслари захираларининг кескин қисқариши ва тугаши арафасига келиб қолганлиги;</li> <li>- чучук сув ресурслари тақчиллигининг кучайиб бораётганлиги;</li> <li>- чўл яйловларида чорва молларини меъеридан ортиқча боқилиши ҳисобига чўллашув жараёнининг кучайиб бораётганлиги;</li> <li>- қишлоқ хўжалигида фойдаланаётган ерлар мелиоратив ҳолатининг тобора ёмонлашиб бораётганлиги.</li> </ul>

Вилоят ҳудудида 200 га яқин фойдали қазилма конлари мавжуд бўлиб, айниқса, олтин, кумуш, уран, вольфрам, фосфорит, каолин, мрамор, керамзит, базальт, кварц куми, ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, опал) ва бошқа хомашёлар шулар жумласидандир. Тадқиқотда минтақада саноатни янада самарали ривожлантириш учун фойдаланишга жалб этилмаган Азлар-Тол, Гулкон, Жанубий Мачитсой, Лангар, Тасқудук, Янгиқудук сингари конларни ишга тушириш эвазига қурилиш материаллари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарини ташкил этиш орқали таъминлаш таклифи асосланган (4-жадвал).

Бунда саноатда ишлатилаётган фойдали қазилмалар билан бир қаторда, янги излаб топилган кон захираларини қайта ишлашга жалб қилиш мумкин.

Чунончи, ёнувчи сланецнинг бойитилган ва қайта ишланган маҳсулотлари электроэнергетика, металлургия, транспорт инфратузилмаси, дала шпати ва кварц кумларидан металлургиянинг юқори сифатли хомашёси, кимё (бўёқ ва резина ишлаб чиқаришда), чинни ва шиша (электротехник ва қурилиш керамикаси, оптик ва кўзойнақларга учун махсус ойналар) саноатида ҳамда қурилиш материаллари (цемент) ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

<sup>19</sup> Жадвал муаллиф томонидан тузилди.

Минтақанинг ҳудудий саноат ихтисослашуви<sup>20</sup>

Шаҳар ва туманлар	Фойдали қазилма конлари	Ихтисослашувнинг ҳозирги ҳолати	Таклиф этилаётган янги саноат тармоқлари
<b>Жанубий кичик иқтисодий район</b>			
Навоий ш.	Кимё саноати хомашёси, қурилиш материаллари (Тасқудук, Бўрли, Бичанчи, Тепалик, Галярен-2, Кармана)	Металлургия, кимё ва нефткимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат	Чўян ва пўлат эрит-маси учун қолиплар, шиша-ойна саноати
Ғозғон ш.	Мармар, шиша хомашёси (Кониқатор, Хонтахта, Ғозғон, Пашот, Чорқудук)	Қурилиш материаллари	Техник шиша, автомобиль ойналари, фарфор ишлаб чиқариш
Кармана	Керамзит, бўр, безактош, гранит, дала шпати (Оҳакли, Темирсай, Қаричсой, Майизак, Тиллатоғ, Ўртачўл)	Электроэнергетика, кимё ва нефткимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат, мебель	Керамика буюмлар, чиқиндиларни қайта ишлаш, пластмасса буюмлар
Қизилтепа	Ғишт-шифер хомашёси, кум-шағал (Янгиқудук, Азкамар-2, Тўдакўл, Регистон, Тошрабат, Арабон)	Тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, мебель	Юқори сифатли ғишт ва шифер ишлаб чиқариш
Навбахор	Гил, безактош, оҳактош (Бешрабат, Кескантерак-2, Навбахор)	Тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё ва нефткимё, қурилиш материаллари	Бурғулаш гиллари
Нурота	Минерал тола, дала шпати, мармар, вольфрам (Гулкон, Улус, Нурота, Қоратош, Лангар)	Қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат	Асбест, изоляция материаллари, ёнғинга чидамли матолар
Хатирчи	Волластонит, безактошлар (Азлар-Тол, Хатирчи, Шарқий, Зарбанд, Қурасой, Қизилбулок)	Тўқимачилик, озиқ-овқат	Қурилиш ишлари учун турли хил эритма ва аралашма хомашёси
<b>Шимолий кичик иқтисодий район</b>			
Конимех	Фосфоритлар, цемент хомашёси (Карақатин, Лавлакон, Қазган, Лақмаган)	Озиқ-овқат, қурилиш материаллари, тўқимачилик	Қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит-лар
Томди	Фосфорит рудалари, шиша, қурилиш тошлари, оҳактош, кварц қуми (Джерой, Жанубий, Бесапан)	Қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат	Аммофос, фтор ва фосфат кислота ишлаб чиқариш
Учқудук	Каолин, минерал туз, ёнувчи сланец, вольфрам (Жанубий Мачитсой, Тайқарши, Қулантай, Тузқудук, Бўзтов)	Кимё ва нефткимё, қурилиш материаллари	Пластмасса, резина, линолеум
Зарафшон ш.	Рангли металл хомашёсини қайта ишлаш, рангли тошлар (Сариқтов, Алтинтов, Жаман Қасқир)	Металлургия, кимё ва нефткимё, қурилиш материаллари	Заргарлик саноати, саноат туризми

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Каолин захираларидан сопол идишлар, керамика, қоғоз, пластмассалар, резина, мато, линолеум ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш истиқболлари цемент, гил, ғишт хомашёлари ва қурилиш тошларидан кенг фойдаланиш билан бевосита боғлиқ.

Умуман олганда, минтақада саноат соҳасини ривожлантириш учун янги аниқланган фойдали қазилма конларидан самарали фойдаланиш истиқболда саноат ихтисослашувининг ўзига хос йўналишларни таркиб топиши учун замин яратади.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан Навоий вилоятининг чўл ҳудудларида ер ости сув захираларидан оқилона фойдаланиш орқали чорва моллари бош сонини кўпайтириш, юқори қўшилган қиймат ва солиқ тушумларини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда жуда катта аҳамият касб этиши илмий асосланган. Шу нуқтаи назардан минтақанинг Томди ва Учқудук туманларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот натижалари Навоий вилояти чорвачилик соҳасида ўзида мавжуд бўлган табиий ресурс салоҳиятидан тўлалигича фойдалана олмаётганлигини кўрсатади. Ҳозирги пайтда вилоятнинг ушбу туманларида мавжуд чорва молларининг умумий сони, жами яйлов ва пичанзорларнинг майдонига мос эмас, яъни, минтақа чўлларининг ҳосилдорлиги гектарига уч центнерни ташкил этган ҳолда ҳар уч гектарга бир бош қорақўл қўйи тўғри келади. Бугунги кунда ҳудудда 7527 минг гектар яйловда 442,5 минг бош чорва моллари мавжуд. Бироқ, муаллиф келгусида минтақада ер ости сув захираларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш ҳисобига бу борада самарадорликни янада ошириш, мазкур чорвачилик районининг яйлов ҳосилдорлигини ҳисобга олган ҳолда чорва учун қўшимча сув қудуқларини барпо этиш эвазига ҳудудда 2500 минг бош қорақўл қўйи боқиш имконияти мавжудлигини таъкидлайди.

Тадқиқот ишида ушбу кўзланган натижаларга эришиш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган:

- чорва молларини ўтлатиш жойларидан 5 километрдан узоқ бўлмаган радиусда сувга бўлган суткалик эҳтиёжнинг  $15 \text{ м}^3$  эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар 10 минг гектар майдонга кичик ҳажмда сув тортиб олувчи насос билан жиҳозланган суғориш пунктларини ташкил этиш;

- яйлов инфратузилмасини (отар, қушхона, қирқимхона, чўпон уйи, кўчма зооветеринария ва сунъий қочириш пункти ва ҳ.к.) шакллантириш;

- яйловлар алмашилишини қатъий тарзда таъминлаш мақсадида “яйлов мониторинги”ни ташкил этиш (подаларни “кўчиб юриш” усулида боқиш);

- яйловларни кўпайтириш ва қайта тиклаш;

- яйловлар алмашилишининг мавжуд календарь-режасини янада такомиллаштириш.

Мазкур чора тадбирларни амалга ошириш учун “давлат-хусусий шериклик” асосида қорақўлчилик кластерлари шакллантирилса, мазкур

худудда уларнинг сони 17 тани (ҳар бир кластерда 147586 та қоракўл қўйи) ташкил этади (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Худудда қоракўлчиликни ривожлантириш имкониятлари<sup>21</sup>**

	<b>Отар</b>	<b>Кластер</b>	<b>Тармоқ</b>
Боқиш мумкин бўлган қўйлар сони	600	147586	2508954
Ер майдони га.	1800	442756,6	7526863
Подалар (отарлар) сони	1	246	4182
Қудуқлар сони	0,2	44	753
Кунлик ичимлик сув м <sup>3</sup>	2,5	615	10455
Чўпонлар сони	3	738	12546
2021 йил ҳисоб-китобларига кўра йиллик харажатлар ва фойда (млн. сўм)			
Чўпонлар учун йиллик иш ҳақи	50,4	12400,0	210750,0
Бошқа харажатлар	48,0	11810,0	200740,0
Йиллик солиқ тушуми	2,2	546,7	9283,0
Фойда	330,0	84170,0	1373920,0
Соф фойда	229,38	56414,0	959150,0

Тадқиқот натижалари анъанавий тарзда ҳар бир подада 600 та қўй ва улар учун учтадан чўпон, чўл худуди бўйлаб 4182 та қўй подалари, 12546 та чўпон ва бир қанча тизимни юритувчи ходимлар хизмати талаб этилиши мавсум давомида олинадиган даромад, яъни гўшт, жун, қоракўл тери маҳсулотлари қарийб олти баробарга кўпайиши минтақада ишчи кучи бандлиги ошишини кўрсатади. Аммо, бундай натижага эришиш учун маълум давр талаб этилади. Ушбу чора-тадбирларни қисқа муддат ичида амалга ошириш учун республиканинг бошқа худудларида (Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах) яйлов сиғимидан ошиб кетган қоракўл қўйларининг ортикча подаларини оммавий тарзда Навоий чўл яйловларига кўчириш эвазига эришиш мумкин. Шунингдек, чорвадан бўшаган худудларда ем-хашак етиштириш учун фойдаланилаётган минглаб гектар суғорма деҳқончилик ерлари кўпаяди ва бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун замин яратади.

